

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ПЕДАГОГИКА КАФЕДРАСИ
БУХОРО ВИЛОЯТ КАСБИЙ ТАЪЛИМНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ
ХУДУДИЙ БОШҚАРМАСИ
ПЕШКУ ТУМАНИ 2-СОН КАСБ-ҲУНАР МАКТАБИ**

**ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА
ДУАЛ ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ
ОМИЛЛАРИ**

Республика илмий-амалий конференция материаллари



Бухоро-2021

ФАТУЛЛАЕВА М.А., МАҲМУДОВ Н. Ёш авлод тарбиясида миллий халқ ўйинларининг ўрни ва педагогик аҳамияти	223
АВЛИЯКУЛОВ М.М. Бўлажак ўқитувчилар маънавий оламини юксалтиришда санъат ва маданиятнинг ўрни.	227
TOSHEVA D.I. Ekologik ta'lim-tarbiya haqida allomalar qarashlari	229
АВЛИЯКУЛОВА Н.М. Пути развития изобразительно-творческой деятельности будущих педагогов.	235
НУРУЛЛАЕВ А.Р., ХЎЖАЕВ Э. Мактабгача ёшдаги болаларни жисмоний ҳаракатларга ўргатишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш самарадорлиги	237
ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида маънавий- маърифий ишларни ташкил этиш	239
УСМОНОВА Г.И. Таълим ва тарбия уйғунлиги миллий тараққиётга эришиш кафолати	241
ҲАЙИТОВ Ж.Ш. Ўзбекистонда бошоқ (дон)ли экин янги навларининг тарқалиши тарихи	243
ОРЗИЕВ М.З., ҲАЙИТОВ Р. Биринчи жаҳон уруши даврида бухорода герман-турк fronti учун олиб борилган тарғибот ишлари	245
ГУЛБОЕВ А.Т. Профессионал таълим тизимида касбий-ахлоқий меъёрларини тарбиялашнинг илмий-педагогик асослари	251
ҚУРБОНОВА У.Ў. Мустақиллик йилларида ўзбекистонда касбий таълим тараққиёти тенденциялари	254
GULAMOVA D. "Street law" loyihasi huquq targ'ibotining eng mukammal dasturi	257
РАЖАБОВ О. Баркамол ёшлар таълим-тарбиясида туркистон маърифатпарварларининг қарашлари	259
ШАМСИЕВ Р.Х. "Механик узатмалар" мавзусини ўқитишнинг замонавий усуллари.	261
КЎЧАРОВ Ж.Қ. Мирзо Улугбек ва Бухоро	265
ТЕМИРОВ Ф.У. Садриддин Айний – ёш авлоднинг таълим-тарбияси тўғрисидаги фикрлари	270
ХАКИМОВА Г.А. Религия любви в полотнах Акмалы Нура	272
АДИЗОВА Х.Р., ШОДМОНОВА Д.А. Табиатга муносабатимизни ўзгартиришимиз шарт	274
ШИРИНОВ А.Л. Ўзбекистонда манзара жанрининг ривожланиши	278
НУРИЛЛАЕВА Н.Ш. Интеграция науки и образования как элемент системы непрерывного профессионального образования	280
СОБИРОВА Ш.У. Архитектура қурилиш чизмачилигида ўқитиш методларининг аҳамияти	282
ГАФФАРОВ Х.Р., САВРИЙЕВ Й.С., АЗИЗОВ Б.А., СЕВИНОВ У.Б. Пахта чигити кунжарасини муаллақ ҳолатда кўп босқичли мой олиш қурилмасида мой ажратиб олиш жараёнини моделлаштириш	284

ish qildingiz, bir jonsiz chiziqni deb mendan voz kechmadingiz” – deydilar. Bu sinovdan ham ishonchli o'tgan Xoja Bahovaddin piri oldida sadoqatda benazir, mustahkam iroda va chidam, bardosh egasi bo'lganlar. Sayid Mir Kulol qahraton qish tunlaridan birida o'z kulbai xoslarida orom va uyquda bo'lganlar. Xoja Bahovaddin u kishiga tahorat suvini isitib turganlar. Bir kecha qalin qor tushib uyning ostonasini ham qoplaydi. Sovuq va qorbo'ron bo'lishiga qaramay ustoz ostonasida choponga o'ranib yuragi oldida oftoba suvini iliq saqlab yotgan Xoja Bahovaddin ustini qor qoplaydi. Sayid Mir Kulol uy ostonasida depinib ketsalar, shogirdlari turganini ko'radilar. Shogird ustozga darhol tahorat suvini tutadi.

Tarixiy manbalarda bu ikki ulug' avliyo haqida bu kabi juda ko'p naql va rivoyatlar saqlanib qolgan. Ularni to'plash va tafakkur chig'irig'idan o'tkazib, tahlil qilish bugungi kunda komil insonni tarbiyalash, yoshlarni zamonaviy bilimlarni egallashi bilan birga turli yod g'oyalarga qarshi tura oladigan immunitet shakllantirishga, kishilarimizda insoniy tuyg'ularni yanada kuchaytirishga xizmat qiladi degan fikrdamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. Orif Usmon. Ma'naviyat chinorlari. – T.: Ma'naviyat, 1993 y.
2. Yo'ldoshev N. Bahovaddin Naqshbandiy (hayoti va faoliyati, uning haqida ayrim rivoyatlar). Buxoro, 1992 y.

ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ПЕДАГОГИК АҲАМИЯТИ

М.А. Фатуллаева - БухДУ ўқитувчиси.

И.Маҳмудов - Пешкў туман, 44-сон ўрта мактаб ММИБДУ.

Аннотация: Мақолада миллий ва ҳаракатли ўйинларнинг ўсиб келаётган ёш авлод тарбиясидаги тутган ўрни келтирилиб ўтилган.

Аннотация: В статье раскрыта роль национальных и подвижных игр в воспитании молодого поколения.

Annotation: The article reveals the role of national and outdoor games in the education of the young generation.

Калит сўзлар: халқ ўйинлари, фольклор ўйинлари, миллий ҳаракатли ўйинлар, эстафетали ҳаракатли ўйинлар.

Ключевые слова: народные игры, фольклорные игры, национальные игры, эстафетические подвижные игры.

Key words: folk games, folklore games, national games, relay outdoor games.

Миллий-маънавий қадриятнинг ажралмас қисми ҳисобланган, азал-азалдан сайқал топиб келаётган халқ миллий ўйинларининг ёшлар маънавий ҳаётидаги ўрни, ўқувчи, талаба ва баркамол авлод тарбиясидаги ижобий таъсири, таълим-тарбиянинг узвийлигини таъминлашда аҳамиятини таҳлил этиш долзарб масала ҳисобланади. Халқ ўйинлари моҳиятига сингдирилган эзгу мақсад, азалий ният ва истакни замонавий педагогик усуллар асосида талаба-ёшларга етказиш ҳам муҳим масаладир. Ўқувчи ва талабаларни маънавиятимизга ёт бўлган “оммавий

маданият”нинг турли таъсирларидан асраш мақсадида уларга халқ миллий ўйинларини чуқурроқ сингдириш ҳам ниҳоятда долзарб масала саналади.

Анъанавий халқ болалар ўйинларининг фасл яшовчанлиги, тарбия бобида асосий ўринларидан бирида туришлигининг босси нимада? Нима учун болалар, ҳатто катталар ҳам ўйинларга ўч бўладилар, ўз ҳаётларини ўйинларсиз тасаввур қила олмайдилар. Бунинг сабаби, биринчидан, ўйинларнинг жуда қизиқарли ва беназир мароқли бўлиши, иккинчидан, уларнинг бағоят эмоционал-таъсирчанлиги, учинчидан, дид-фаросатини, тафаккурини, шунингдек, жисмоний куч-қувватни оширишга қаратилган бўлишличидандир, тўртинчидан, ён атрофдаги воқеа-ҳодисаларни англаш, дунёни таниш маънавий- маърифий ва ахлоқий тарбияга алоҳида таъсир этишличидандир. Болалар ўйинлари, қолаверса умуман ўйинларнинг чуқур миллий, айни чоғда, байнал-минал хусусиятларга эга бўлишлари, руҳиятни кўтариш, қалбни забт этиши, ўта таъсирчан ва ҳаяжонли бўлишличларидир.

Дарҳақиқат, ўйинлар, хусусан, фольклор ўйинлари ҳар бир кишига, жумладан болага олам-олам қувонч, шодлик бағишлайди, ҳаракат ва ақл-идрокнинг фавқуллодда қизиқарли оламига олиб киради, унинг ўзлигини унитиб, ўйинга берилишини таъминлайди, таффакур, дид-фаросат ва ақл-идрокни ўстиради. Теварак-атроф, кишилар билан танишувида ёрдамлашади, ақлий ва жисмоний камолат сари етаклайди. «Болалар фольклор ўйинлари руҳи табиати, характери, поэтикаси иштирокчиларнинг ҳатти-ҳаракати, шу ҳаракатнинг меҳнат ва миллий анъаналари билан турмуш кечирини шаронглари, жўғрофик яшаш ўрни, иқтисодий ва сиёсий талабларидан шаклланади». Болалар ўйинлари ҳам, умуман ўйин санъати каби, сирретик тарзда меҳнат жараёнида юзага келган. Демак, ўйинларнинг асоси меҳнатдир. Ижодкори эса катталар ва болаларнинг ўзларидир. Халқимизнинг ўзбекона зукқолиги-ю, топқирлиги-ю, ижодкорлиги-ю, жангарлиги, оқилу- донолиги ана шу санъат тури, яъни ўйинларида ҳам намоён бўлади. Айни чоғда ўйинлар-халқ ҳаёти, интилиши, кураши, орзу умиди, мақсад, нияти, унинг фалсафаси, дунёқараши, этик-эстетик дид қарашларининг ўзига хос даражадаги рамзий ифодаси ҳамдир. Ўзбек болалар фольклор ўйинлари кўп асрлик тарихга эга. Улар асрлар давомида халқимизнинг ижтимоий сиёсий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий, ҳаётий кузатувлари, тажрибалари, ўзаро алоқалари, маънавий-руҳий муносабатлари, мулоқат- мунозаралари асосида юзага келган ва амалий ҳаракатда, яъни жонли анъаналарда бизгача етиб келган ва амалий ҳаракатда, яъни жонли анъаналарда бизгача етиб келган. Болалар ўйинлари халқимизнинг бетакрор олтин меросларидандир. Уларни доно ота-боболаримиз, зукко момоларимиз, уларнинг фарзандлари-ю, набира-эваралари бир-бирларига ўтказиб, кўз қорачиғидек асраб-авайлаб, бизгача етказиб келганлар.

Ўзбекистонда «Болаларнинг ўйинига қара, ўсган бўйига қара, боланинг қимлигини, нимага қизиқишини ўйнаган ўйиндан билса бўлади», деган ҳикматли иборалар бор. Англамоқ керакки, болаларнинг ўйинларидан келиб

чиқиб, уларнинг характери, қизиқиши, интилиши, мақсади, одатлари, хулқ-атворини билиши мумкин.

Миллий халқ ўйинларининг баркамол авлод тарбиясидаги аҳамиятини қуйидаги тартибда кўриш мумкин.

- педагогик;
- психологик;
- тарбиявий;
- жисмоний ва соғломлаштирувчи.

Такидлаш жоизки, кураш, от ўйинлари (пойга, сакратиш, рақс), тош (гир) кўтариш кабилар мустақил спорт тури бўлиб ҳисоблансада, уларнинг қисмлари (элемент) ўйин сифатида фойдаланиб, халқ истемолида чуқур ўрин эгалламоқда.

Миллий ҳаракатли ўйинлар тушунчаси ҳақида гап кетса, айтиш мумкинки фақат мамлакатимиз ҳудудларида энг қадимги даврлардан бўён кўлланилиб келинаётган ўйинлардир. Лекин улар орасида Марказий Осиё, Европа мамлакатларидан у ёки бу сабаб билан кириб келган ва чуқур ўринлашиб, миллийлашиб кетган ҳаракатли ўйинлар ҳам оз эмас. М: “Мушук билан сичқон”, “Қармоқ”, “Қопқон”, “Байроқ учун курашиш”, “Елка уриштириш” (хўрозлар жанги) ва ҳ.к.

Юқорида такидланганидек ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинларининг келиб чиқиш ва ривожланиш тарихи қадимги аجدодлар ва авлодлар тарихига бориб тақалади.

Жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида жисмоний маданият ва спорт ҳаракати ҳамда жисмоний тарбия воситаларини махсус тизимлар туркуми деб ишлатилади.

Жисмоний тарбия тизимининг муҳим босқичларидан бири жисмоний воситалардир. Уларнинг таркибий қисми эса гимнастика, спорт турлари, ҳаракатли ўйинлар ва табиатнинг соғломлаштирувчи (қуёш, ҳаво, сув, гигиеник омиллар) таъсир кучларидан иборат.

Кўриниб турибдики, ҳаракатли ўйинлар жисмоний тарбия тизимининг муҳим йўналишларидан бири бўлиб ҳисобланади. Ҳаракатли ўйинлар мазмун ва шакл жиҳатдан қуйидаги турларга бўлинади:

1. Жамоали (команда) ўйинлар.
2. Оммавий (кўпчилик биргаликда ўйнайдиган) ўйинлар.
3. Якка ёки жуфт тартибдаги ўйинлар.
4. Эстафетали ўйинлар.

Жамоали (команда) ўйинлари икки ёки ундан ортиқ жамоалар (гуруҳлар) иштирок этади. М: “Оқ теракми, кўк терак”; “Картошка экиш”.

Оммавий ҳаракатли ўйинларда барча қатнашчилар бараварига ўйинда иштирок этади. “Ёмғир”, “Қалҳат келди қоч болам” ва ҳоказо.

Якка ёки жуфт бўлиб ўйнайдиган ҳаракатли ўйинларда бир ёки иккита қатнашчи иштирок этади: “Мушук ва сичқон”, “Хўрозлар жанги”, “Елка уриштириш ва ҳоказо”.

Эстафетали ҳаракатли ўйинлар ҳам жамоали, умумий ва якка (жуфт) тартибда бўлиши мумкин. М: жисмоний тарбия тизимида машқлар ва ҳаракатли ўйинларни ёшларга ўргатадиган умумий ва махсус тамойиллар (принциплар) ва усуллар мавжуд, яъни шугулланувчиларнинг ёши жисмоний тайёргарлиги ва жинсига қараб ўйинлар туркуми белгиланади. Умумтаълим мактабларнинг жисмоний тарбия дастурида миллий ҳаракатли ўйинлар синфларга (1-4,5-7,8-9,10-11) қараб аниқланган. Чунки, таъкидланганидек ўйинлар болаларнинг ёшига қараб ўргатилади. Бошланғич синф ўқувчилари учун мўлжалланган ҳаракатли ўйинлар юқори синф ўқувчилари учун ўта осон ва унча қизиқарли бўлмайди. Юқори синфлар учун белгиланган ўйинлар эса кўйин синф ўқувчилари учун қийин бўлади.

Дарсдан ташқари (катта танаффус, уй шаронти, кўча, майдонида ҳ.к.) вақтларда ташкил этиладиган ҳаракатли ўйинларни бажаришда ҳам юқорида таъкидланган, талабалар амалга оширилади. Акс ҳолда кичик ва катта ёшдаги болаларнинг аралашиб ўйнашлари жанжал, йиғи, жароҳатларни келтириб чиқариши ёки юқумли касалликларга дучор бўлиш ҳоллари юзага келиши мумкин.

Кузатишлардан аёнки, атрофдаги воқелик кишиларнинг ҳатти-ҳаракати, ўзаро муносабатлари ва фаолияти тушунарли бўлсагина ўйин юзага келади. Атроф-муҳитдаги барча мураккабликни аввало бола ўйинда бартараф этади. Болалар ўйинининг моҳияти муайян ролни бажаришдан иборатдир.

Ўзбек халқ ўйинларидан фойдаланишнинг самарадорлиги – бола фаолиятидаги ташаббускорлик ва мустақилликни сақлаш ҳамда рағбатлантириш заруриятининг мавжудлигига боғлиқ.

Ўзбек халқ ўйинларини ўрганиш тарбия жараёнини узлуксиз янгилайди, ўқувчиларда ҳаётий вазиятларни яхши англаш қобилиятини ривожлантиради. Биз ўзбек халқ ўйинларига жамиятнинг бутун маънавий маданияти билан биргаликда болаларни тарбиялашнинг энг муҳим воситаларидан бири сифатида қараймиз.

Ўзбек халқ ўйинлари энг аввало болаларни ўз қишлоғига, шаҳрига, табиатга, мамлакатимизда яшовчи барча халқларга муҳаббат руҳида тарбиялайди, ўзбек халқининг миллий маданияти, ўтмиши ва ҳозирги турмушига, миллий анъаналари ҳамда санъатига муҳаббат уйғотади, ўқувчиларни ҳалолликка, саҳоватлиликка ўргатади. Ўғил ва қизларда меҳнатга онгли муносабатни шакллантиради. Уларнинг кучли, чакқон, серҳаракат, зийрак, топқир, ўзаро ҳамкор бўлишларига ёрдам беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга кураимиз. Тошкент “Ўзбекистон” – 2017 й.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

3. Усмонхўжасв Т.С., Раҳимов М.М., Адиев А.Н. Ўзбек халқ ўйинлари. Т., “Ўқитувчи”, 2004

4. Усмонхўжасв Т.С. Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти. - Т., “Ўқитувчи”, 2005.

5. Абдурахимов Т. Ўзбек халқ ўйинлари ва томошалари. - Т.: НДА; 1997.

6. Усмонхўжасв Т., Хўжасва Ф. “Харакатли ўйинлар” Т.: “Ўқитувчи”, 1992.

7. Azimovna F. M. Formation of spiritual and moral values of pupils in physical education lessons //Asian Journal of Multidimensional Research (AJMR). – 2020. – Т. 9. – №. 11. – С. 99-103.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАР МАЪНАВИЙ ОЛАМИНИ ЮКСАЛТИРИШДА САНЪАТ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎРНИ.

**М.М.Авлиякулов- БухДУ Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
кафедраси катта ўқитувчиси.**

Аннотация. Это статья выражает обширно направленные намерения, через которое искусство должно формировать сознание, достоинство, веру и убеждения гармоничного поколения, развитие их духовности, воспитание всесторонне совершенных личностей.

Abstract. This article expresses broadly directed intentions through which art should shape the consciousness, dignity, faith and beliefs of a harmonious generation, the development of their spirituality, the education of comprehensively perfect personalities.

Калит сўзлар: маданият, эстетик, интеллектуал, тафаккур, фидойилик.

Keywords: culture, aesthetics, intelligence, thinking, self-sacrifice.

Ключевые слова: культура, эстетика, интеллектуальность, мышление, самопожертвование.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси: *“Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуг аجدодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган беқиёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаман, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади”.*

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган дастлабки йиллардан бошлаб, энг аввало таълим тизимини ислоҳ қилиш, уни миллий-маънавий қадриятлар негизда шакллантириш, жисмоний соғлом, маънавий етуқ, ақлий баркамол инсонларни тарбиялашга асосий эътибор қаратилди.

Маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш мақсадида кейинги пайтда бир қанча муҳим ҳужжатлар, жумладан, китобхонлик маданиятини ошириш, маданият ва санъат соҳасини такомиллаштириш, ҳудудларда улуг санъаткорларимиз номи билан аталадиган ижодий мактаб ва марказлар ташкил этиш тўғрисидаги қарор ва фармойишлар ҳам қабул қилинди.